



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИ

Пиримов Сарвар Жасур ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси
212-гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14950632>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 28th February 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз – амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмади

Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда¹.

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида” эканлиги ҳамда 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурийлиги” мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб 1992 йили «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилди. Миллий

¹ Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

қонунчилигимизни конвенция қоидаларига имплементация қилиш асносида 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ ислохотлар натижаси ҳалқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, Халқаро Меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикасида амалга оширган мониторинг натижасида ҳамда дунё ҳамжамияти вакиллари болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича Ўзбекистонда ижобий ишлар қилинганини эътироф этди.²

“Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш”³ бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қароридаги вазифалар белгилаб берилди. Республикаимизда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва профилактик чораларни амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинланадиган жинойий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда⁴, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2019) фармонлари ҳамда «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2019) қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича вазифаларни амалга ошириш бўйича бир қанча чора тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Аммо шунга қарамаздан сўнги йилларда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида маъмурий ёки жинойий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этилиши давом этиб келмоқда.

² <https://ombudsman.uz/uz/docs/voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарор

⁴ Умрзаков. Б.А Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш/юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати- Т.,2021 й

2024 йилнинг 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида ИИВнинг 2023 йилда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида тегишли вазирлик ва идоралар билан олиб борган ҳамкорликдаги ишлари юзасидан ахбороти эшитилган. Мазкур ахборотда ИИВ маълумотига кўра 2023 йил 12 ойида содир этилган 363 та қотилликнинг 141 таси ёки 38,8 фоизи оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида келиб чиққанлиги ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга лозим даражада эътибор қаратилмаганлиги оқибатида 2023 йилда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар 2022 йилга нисбатан 5,3 фоизга ортганлиги, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сони айрим ҳудудларда юқориликча қолаётганлиги қайд этилганлиги⁵ни ҳам муаммо сифатида қарашимиз мумкин.

Шунингдек ИИВ таҳлилий ҳисоботларида 2024 йилнинг 12 ойида республикада 3 364 нафар (3 081/3 364) вояга етмаганлар томонидан 3 144 та (2 850/3 144) ёки 294 тага кўп жиноятлар содир этилиб, салмоғи 10,3 фоизга ошган бўлиб, умумий жиноятнинг 2,4 фоизини ташкил этишлиги аниқланиб, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганда, 2 653 нафари ёки 78,9 фоизи ота-онаси фарзанди тарбиясига эътиборсиз оилада тарбияланиб келаётганлар,

213 нафари ёки 6,3 фоизи ота ёки онаси чет элда бўлганлар, 225 нафари ёки 6,7 фоизи оилавий жанжалкаш оилаларда тарбияланиб келаётганлар, 137 нафари ёки 4,1 фоизи ажрим ёқасидаги оилаларда тарбияланиб келаётганлар,

34 нафари ёки 1 фоизи отаси ёки онаси Ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи оилаларда тарбияланиб келаётганлар, 43 нафари ёки 1,2 фоизи ота-онаси йўқ (васий ва хомийлар қўлида) оилаларда тарбияланиб келаётганлар, 24 нафари ёки 0,7 фоизи отаси ёки онаси муқаддам судланган оилаларда тарбияланиб келаётганлар, 30 нафари ёки 0,9 фоизи отаси ёки онаси Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турувчи, 5 нафари ёки 0,2 фоизи отаси ёки онаси фохишахона сақовчи ёки фохиш оилаларда тарбияланиб келаётганларни ташкил этганлиги қайд этилган.

Юқоридагилардан ва қайд этилган статистик маълумотлардан келиб чиққан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг барвақт олдини олиш борасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси, унинг вужудга келиши, айнан вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг моҳияти, мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ва баратарф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимини, ички ишлар органларининг соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим.

Ҳуқуқбузарликнинг вужудга келишига эътибор қаратадиган бўлсак, у давлат ва ҳуқуқ институтлари пайдо бўлган даврда вужудга келган. Шуниси эътиборлики, ҳуқуқбузарлик кўлами муайян бир макон ва замонда ўзи учун яратилган “шарт-шароитларга” боғлиқ равишда ҳар хил даражада яъни у паст ёки юқорида даражада намоён бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш тарихда ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Биз аввало, “ҳуқуқбузарлик” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, олимларимиз томонидан ушбу тушунчанинг мазмуни бўйича қатор мунозарали ёндашувлар, фикрлар илгари сурилган.⁶

⁵ <https://senat.uz/oz/events/post-1844?ysclid=m5whzdyzyw318161299>

⁶ Адиллов. Б. Қ. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. Eurasian journal of academic research-2023 й

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида тадқиқотлар ўтказган олимлар И.Исмаилов ва М.З.Зиёдуллаевларнинг фикрича ҳуқуқбузарлик деганда, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади⁷

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси) -қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади⁸

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон қонунида *ҳуқуқбузарлик* деб содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), *ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс* - ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс, *ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси* эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти эканлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқсак биз вояга етмаганлар ўртасида статистик маълумотлардан кўринадикки 2 653 нафари ёки 78,9 фоизи ота-онаси фарзанди тарбиясига эътиборсиз оилада тарбияланиб келаётганлар

Б.А.Умрзаков ўз диссертациясида вояга етмаганлар жиноятчилигининг субъектив сабаблари ва шарт-шароитлари вояга етмаганнинг шахси билан боғлиқ ходисалардир, объектив сабаблар ва шарт-шароитлар эса вояга етмаганнинг ўзи билан боғлиқ бўлганлардан ташқари ижтимоий муҳитнинг салбий таъсири сифатида кўришимиз мумкин. Жумладан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг субъектив сабабларига вояга етмаган шахснинг дунёқараши ва маънавий олами, қизиқиши ва эҳтиёжлари, қадриятлари ва ҳаётий режалари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражаси, турмуш тарзи, мақсади ва йўналишлари, мотивлари киради. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг объектив сабабларига оиладаги носоғлом муҳит, жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, оиладан ташқари муҳитнинг (мактаб, маҳалла, кичик гуруҳлар), криминоген ҳудуднинг, шунингдек оммавий ахборот воситалари(интернет, ижтимоий тармоқлар)нинг салбий таъсири киради. деган таърифларни берган.⁹

Вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ўзининг моҳияти, содир этилиш вақти, мотиви ва бошқа белгиларига кўра катта ёшдагилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлардан тубдан фарқ қилади.Хусусан, муайян ёш, руҳий ва бошқа ижобий ёки салбий хусусиятдаги гуруҳ ҳуқуқининг бундай ўзига хос хусусиятлари четга чиқиш бўлмай, балки вояга етмаганлар учун хос бўлган хулқий меъёр ҳисобланади.¹⁰

⁷ Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 Б. (254);

⁸ Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 20.09.2023)

⁹ Умрзаков. Б.А Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш/юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати- Т.,2021 й
¹⁰ <https://referat.uz/drugie/tekst-lekcij/13874-13874.html>

Вояга етмаган ёшларнинг қонуний вакиллари томонидан етарлича назорат қилинмаслиги, атрофдагилар ва жамоатчиликнинг эътиборсизлиги ҳам уларда ҳуқуқбузарлик содир этишларига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни яшириш, жамоатчилик томонидан ўз холига ташлаб қўйиш ёки уларни жамоадан узр сўраш орқали унтилиши каби салбий оқибатлар ёшлар онгида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик келтириб чиқармаслик тўғрисида нотўғри тушунчанинг риқожланишига олиб келади. Шунинг учун вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳар бир ҳуқуқбузарликларининг оқибатлари ва уни профилактика қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли, 2010 йил 10 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонунга асосан, вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс деб белгиланди.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими эканлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сон қонунига кўра Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс деганда ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс тушунилса, . Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими эканлиги, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус тури сифатида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, ушбу қонун ва бошқа қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши белгиланиб ўтилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли бўлган субъектлар ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан бевосита ҳамкорлик қилади.

Ҳамкорлик– иш фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айти бир мақсадни кўзлаб белигиланган ишда биргалашиш, уни тенг бажариш тушунилади. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлик* –ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларга асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок

этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлигини шартли равишда *ички идоравий ҳамкорлик* ва *ташқи ҳамкорлик* турларига ажратишимиз мумкин. *Ички идоравий ҳамкорлик* – яъни, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлигидир. Жумладан Профилактика инспекторларининг Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги бўйича инспекторлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этишда, ҳуқуқбузарликларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ва унга етакловчи омилларни аниқлаб, бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этишда ички ишлар органларининг ички ҳамкорликни самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан ички ишлар органларининг соҳавий хизмат ходимларининг ўзларига боғлиқ. Лекин жиноятларнинг профилактикасини ташкил этишда ички ишлар органларининг ташқи ҳамкорлигини самарали ташкил этиш профилактикани бевосита амалга оширувчи барча давлат органларининг фаолиятига боғлиқ. Қолаверса вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этишда комплекс ёндашув принциpidан келиб чиқиб ҳамкорликни йўлга қўйиш профилактикани бевосита амалга оширувчи ҳамкорликни шартли равишда иккига: ўзаро ахборот алмашиш ҳамда фаолиятга доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорликка ажратиш мумкин бўлади. Ички ишлар органлари бошқарув субъектларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда самарали фаолият олиб боришлари эса ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини тўғри ташкил этишга, таҳлил фаолиятига оид вазифаларни аниқ белгилаб берилишига, ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини ташкил этишда ва ахборотларни йиғишда бошқа бўлинмалар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини самарали таъминлашга ҳам боғлиқ жараён ҳисобланади.¹¹

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарор
2. Умрзаков. Б.А Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш/юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати- Т.,2021 й
3. Адиллов. Б. Қ. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. Eurasian journal of academic research-2023 й
4. Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 Б. (254);
5. Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юримдик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 20.09.2023)
6. Умрзаков. Б.А Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш/юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати- Т.,2021 й

¹¹ Ниматов Ш. Ички ишлар органларининг криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш: ўзига хос хусиятлари, ахборот-таҳлил фаолиятининг ўрни //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 167-171.

7. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

Ниматов Ш. Ички ишлар органларининг криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш: ўзига хос хусиятлари, ахборот-таҳлил фаолиятининг ўрни //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 167-171.

Фойдаланилган интернет сайтлари рўйҳати:

1.<https://ombudsman.uz/uz/docs/voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish>

2.<https://senat.uz/oz/events/post-1844?ysclid=m5whzdyzyw318161299>

3. <https://referat.uz/drugie/tekst-lekcij/13874-13874.html>.

